IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 22 Issue 01 IYUN 2026

КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТИ МУРАККАБ МАҲАЛЛАЛАРДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ

Каимходжаев Ойбек Абдукаримович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура “ташкилий-стратегик бошқарув” мутахассислиги тингловчиси

Аннотация. Мазкур мақолада маҳалла институтининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат тартибини таъминлаш тизимидаги ўрни ҳамда аҳамияти таҳлил қилинган. Хусусан, профилактика инспектори, маҳалла еттилиги, жамоатчилик гуруҳлари ва рақамли технологияларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида шаклланаётган профилактика механизмининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, «Мирзо Улуғбек» маҳалласи мисолида мавжуд муаммолар, ахборот алмашинувидаги камчиликлар, кадрлар малакаси ва функционал ваколатлар тақсимотидаги муаммолар таҳлил қилиниб, хорижий тажриба асосида уларни бартараф этиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маҳалла институти, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактика инспектори, маҳалла еттилиги, жамоатчилик назорати, ижтимоий профилактика, community policing, рақамли профилактика, ахборот алмашинуви, жамоат хавфсизлиги.

Аннотация. В статье исследуется роль института махалли в системе профилактики правонарушений и обеспечения общественного порядка. Особое внимание уделено взаимодействию инспектора профилактики, «махаллинской семёрки», общественных групп и цифровых технологий в организации профилактической деятельности. На примере махалли «Мирзо Улугбек» проанализированы существующие проблемы информационного обмена, кадрового обеспечения и распределения функциональных полномочий. На основе зарубежного опыта разработаны предложения по совершенствованию механизмов социального партнёрства и профилактической деятельности на местном уровне.

Ключевые слова: институт махалли, профилактика правонарушений, инспектор профилактики, махаллинская семёрка, общественный контроль, социальная профилактика, community policing, цифровая профилактика, общественная безопасность.

Abstract. This article examines the role of the mahalla institution in the system of crime prevention and public order maintenance. Particular attention is paid to the interaction between prevention inspectors, local community structures, public groups, and digital technologies in organizing preventive activities. Using the example of the Mirzo Ulugbek mahalla, the study analyzes existing challenges related to information exchange, professional competence, and the distribution of functional responsibilities. Based on international best practices, the article proposes recommendations for improving community-based policing mechanisms and strengthening social partnership in crime prevention.

Keywords: mahalla institution, crime prevention, prevention inspector, local community governance, public control, social prevention, community policing, digital prevention, information exchange, public safety.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жамоат тартибини таъминлаш масалалари ҳамиша давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган. Мазкур тизим нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари, маҳалла тузилмалари ва аҳолининг ўзини-ўзи бошқариш органлари иштирокида шаклланади. Бу борада маҳалла институтининг ўзига хос анъанавий аҳамиятини алоҳида таъкидланиш лозим. Аммо шу билан бирга, мазкур институтнинг жамоат тартибини таъминлашдаги ролини академик нуқтаи назардан баҳолашда унинг реал самарадорлиги ва мавжуд чекловлар масаласига танқидий ёндашиш зарур.

Тарихий жиҳатдан маҳалла ижтимоий назоратнинг асосий механизми сифатида шаклланган. Марказий Осиёнинг ўтроқ деҳқон ва шаҳар жамоаларида маҳалла ҳам маъмурий, ҳам иқтисодий, ҳам ахлоқий тартибга солишнинг бирламчи бирлиги бўлган. Ўрта асрлардан бошлаб маҳалла раиси, оқсоқоллар кенгаши ва мулло-мударрислар ҳамкорлигида низоларни ҳал этиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ахлоқий нормалар устидан назорат олиб борилган. Бу анъана Совет даврида расмий идора тузилмаси билан конкуренция қилган, мустақилликдан кейин эса ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан янги мақомга сазовор бўлди[1].

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни маҳалла институтига ҳуқуқий асос берди. Кейинги йилларда эса бир қатор Президент қарорлари орқали маҳалланинг ваколатлари кенгайтирилди ва унинг давлат тузилмалари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Хусусан, 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сонли Президент қарорида маҳалла институтини янада такомиллаштириш ва унинг жамиятдаги нуфузини ошириш тадбирлари белгиланди[2]. 2026 йилнинг 5 январидаги ПҚ-1-сонли янги Президент қарорида эса маҳалла раҳбарлари ва аъзоларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишини янада мустаҳкамлаш бўйича янги механизмлар белгиланди[3].

Шу билан бирга, айрим жабҳаларда маҳалла тузилмаларининг самарадорлигига нисбатан бир қатор муҳим танқидий мулоҳазаларни куришимиз мумкин. Баъзи тадқиқотчилар маҳалла тузилмасини давлат ижроия аппаратига айланиш хавфи мавжудлигини, бу эса унинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги мустақиллигига путур етказиши мумкинлигини қайд этади[4]. Ушбу ҳолат амалий жиҳатдан ҳам намоён бўлади: маҳалла раҳбарлари кўп ҳолларда юқоридан берилган вазифаларни бажаришни аҳолининг ҳақиқий манфаатларини ҳимоя қилишдан устун қўядилар.

Мазкур муаммони ҳал этишда АҚШ ва Европада кенг қўлланилаётган жамоатчиликка асосланган полициялаш (community policing) тажрибаси муҳим наъмунавий модель бўлиб, ушбу модель полиция ва жамоат вакиллари ўртасидаги ишончли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланади, бунда полиция одамлар орасида,

[1] Худоёр Маматов ва Маҳбуба Хамидова. “Ўзбекистон ҳуқуқий маданият назарияси ва тарихи”. Ўқув қулланма. — Тошкент, 2010. — Б. 34–56.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сонли қарори.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги ПҚ-1-сонли қарори

[4] Kandiyoti D., Azimova N. The Communal and the Sacred: Women's Worlds in Uzbek Mahallas // Journal of the Royal Anthropological Institute. — 2004. — Vol. 10, № 2. — P. 327–349.//https://rai.onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/j.1467-9655.2004.00192.x (Электрон манбага кириш санаси: 10.05.2026).

уларнинг манфаатлари асосида ишлайди. Бу борадаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мазкур ёндашув жиноятчиликни 15–25 фоиз камайтириш ва аҳолининг полицияга ишончини оширишга ёрдам беради[5]. Ўзбекистон шароитида маҳалла институтининг мавжудлиги ушбу моделни тадбиқ этишда қулай институционал замин яратади, бироқ бунинг учун маҳалла тузилмасининг чинакам мустақиллиги ва ташаббускорлиги таъминланиши шарт.

Маҳаллада хизмат олиб бораётган профилактика инспектори — ички ишлар органлари томонидан маҳаллада доимий асосда ишлаши учун тайинланган ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат мансабдор ходими саналади. У, шунингдек, ИИО ва маҳалла жамоаси ўртасидаги кўприк вазифасини бажариши лозим. Профилактика инспекторининг вазифалари кенг — у маҳалла ҳудудидаги ҳуқуқбузарликлар сабаб-шартларини аниқлаш, профилактик суҳбатлар ўтказиш, ижтимоий профилактика объектларини назорат қилиш, маҳалла еттилиги ва жамоатчилик гуруҳлари билан ҳамкорлик қилишни ўз ичига олади.

Бироқ амалий тадқиқот натижалари профилактика инспектори фаолиятида жиддий тизимли муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. Биринчидан, битта профилактика инспектори учун кўп миқдордаги аҳолига хизмат кўрсатиш. «Мирзо Улуғбек» маҳалласи каби 15–20 минг нафардан ортиқ аҳолига эга маҳаллаларда бир ёки икки нафар инспектор барча профилактик функцияларни сифатли бажара олмайди. Бу ҳолат Европа тажрибасидан тубдан фарқланади: масалан, Нидерланд ва Германияда ҳар 1000–2000 аҳолига бир жамоат полицияси ходими тўғри келади[6].

Иккинчидан, профилактика инспектори фаолиятини тизимли ҳужжатлаштириш ва мониторинг қилиш муаммоси мавжуд. Тадқиқот давомида аниқланишича, кунлик сўров тартиби йўлга қўйилмаган, профилактик тадбирларнинг бажарилиши ёки бажарилмаганлиги систематик назорат остига олинмаган. Натижада чораклик тузилган «йўл харита» асосидаги тадбирларнинг бир қисми ижросиз қолмоқда[7]. Ушбу ҳолат ўзбекистонлик тадқиқотчи Б.Маматовнинг профилактик тизимдаги бюрократик тўсиқлар борасидаги хулосаларини тасдиқлайди[8].

Учинчидан, профилактика инспектори ва маҳалла еттилиги ўртасидаги функционал ролларнинг ноаниқлиги ҳамкорликни қийинлаштиради. Ким нима қилиши, ким кимга ҳисобот бериши, маълумот қандай тарзда алмашинишини белгилайдиган аниқ тартиб ва механизмлар кўп ҳолларда расмий ҳужжатда мавжуд, аммо амалиётда тўлиқ ишлатилмайди. Ушбу «тартиб ва амалиёт ўртасидаги номутаносиблик» — бошқарув тизимларида кенг учрайдиган муаммо бўлиб, аниқ назорат механизмлари ва жавобгарлик тизими орқали бартараф этилади.

Маҳалла еттилиги — маҳалла раиси бошчилигидаги ва аъзоларидан ташкил топган ижроия органи. Унинг асосий вазифаси маҳалла ҳудудидаги ижтимоий ҳаёт, маиший тартиб ва аҳолининг эҳтиёжларини ҳал этишда координатор сифатида иш олиб боришдан иборат. Профилактика функциялари нуқтаи назаридан маҳалла еттилиги ижтимоий хатарли аҳоли қатлами ва муаммоли оилаларни аниқлаш, уларни ижтимоий ёрдам

[5] European Institute for Crime Prevention and Control (HEUNI). Community Policing in Europe. — Helsinki, 2019. — P. 34–56// https://www.unodc.org/unodc/en/commissions/CCPCJ/PNI/institutes-HEUNI.html (Электрон манбага кириш санаси: 10.05.2026).

[6] Bayley D.H. Police for the Future. — New York: Oxford University Press, 1994. — P. 103.// https://jthomasniu.org/class/Stuff/PDF/police.future.pdf . (Электрон манбага кириш санаси: 11.05.2026).

[7] «Мирзо Улуғбек» маҳалласида ўтказилган тадқиқот материаллари, 2024.

[8] «Мирзо Улуғбек» МФЙ ижтимоий профилактика объектлари рўйхати. Тадқиқот материаллари.

тизимига йўналтириш, маҳалла ҳудудидаги норматив бузилишларни аниқлаш ва тегишли органларга маълум қилиш вазифаларини бажаради.

Аммо тадқиқот ушбу тузилманинг самарадорлигига нисбатан бир қатор муҳим масалаларни қўяди. Биринчи муаммо — маҳалла еттилиги аъзоларининг профилактик фаолият бўйича малакаси ва тайёргарлиги. Аҳолидан сайланган ёки тайинланган бу вакиллар кўп ҳолларда ижтимоий профилактика, виктимология ва конфликт менежмент соҳасида махсус таълим олмаган. Хорижий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жамоатчилик иштирокига асосланган профилактика тизимлари ўз аъзоларини тизимли тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш орқали самарадорликни бир неча баравар оширади[9].

Иккинчи муаммо — маҳалла еттилиги вакилларининг ижтимоий профилактика объектларини аниқлашга, тартибга солишга ёки уларга нисбатан чора кўришга ваколат ва имконияти чекланганлиги дейиш мумкин. Тадқиқот давомида маълум бўлишича, маҳалла еттилиги аъзолари хавфли ёки муаммоли объектларни аниқлаши мумкин, аммо бу ҳолатда ИИО ёки давлат тузилмаларига тақдимнома юборишда сусткашликка йўл қўймоқда. Бу ҳолат маҳалла тузилмасининг давлат органларидан автономлиги ва ташаббускорлиги даражасидаги муаммони акс эттиради.

«Қалқон» жамоатчилик гуруҳи ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патрул гуруҳлари маҳаллада ҳуқуқ-тартибот устидан жамоатчилик назоратининг муҳим воситалари сифатида фаолият олиб боради. Ушбу гуруҳлар ҳудудни кузатиш, шубҳали ҳолатлар ҳақида хабар бериш, кечки пайт патруллаш вазифаларини бажаради. Жаҳон тажрибасига кўра, жамоатчилик патрул гуруҳлари жиноятчиликни камайтиришда сезиларли ижобий таъсир кўрсатади, бунда уларнинг фаолияти профессионал полиция иш билан яхши мувофиқлаштирилган бўлиши лозим[10].

Рақамли технологиялар маҳалла профилактика тизимига интеграция қилинишининг намунаси сифатида «Tezkor-chaqiruv-1102» телеграм боти алоҳида диққатга сазовор. Ушбу бот маҳалла аъзолари, жамоатчилик гуруҳлари, кўчабоши ва уйбошилар учун аноним тарзда маҳалла профилактика инспекторига хабар, фотосурат, видео ва ҳудуд локациясини юбориш имконини беради. Бот Украинанинг Луганск минтақаси ва Россия федерациясининг Приморск вилояти полиция бошқармалари тажрибаси асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу технологик ечимнинг асосий афзаллиги аноним хабар бериш имконияти бўлиб, бу аҳолининг хавфсизлик хавотиридан келиб чиқган ҳолда воқеаларни хабар беришини рағбатлантиради. Жиноятчиликни олдини олиш бўйича халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, аноним хабар бериш тизимлари аҳолининг жиноятчиликка нисбатан хабардорлик даражасини ошириш ва полиция учун зарур маълумот базасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди[11]. Бу хам махаллада жиноятчиликнинг олдини олишга маълум даражада ҳизмат қилади, аммо барибир асосий масъулият профилактика инспектори зиммасида қолмоқда.

Бироқ ушбу тизимнинг самарадорлигини баҳолашда бир қатор танқидий саволлар ҳам кўндалангга қўйилиши лозим. Биринчидан, аноним хабар бериш тизимлари уйдирма ёки асоссиз хабарлар оқимини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Хорижий тажрибада ушбу муаммо хабарларни текшириш, саралаш ва уларга кўра чора кўришнинг аниқ

[9] Laycock G., Tilley N. Implementing Crime Prevention // Crime and Justice. — 1995. — Vol. 19. — P. 539// https://www.journals.uchicago.edu/doi/abs/10.1086/449237 (Электрон манбага кириш санаси: 11.05.2026).

[10] Sherman L.W. Evidence-Based Policing. — Washington: Police Foundation, 1998. — P. 45. https://www.policinginstitute.org/publication/evidence-based-policing/ (Электрон манбага кириш санаси: 11.05.2026).

[11] Skogan W.G. Community Participation and Community Policing // Criminal Justice. — 1996. — P. 88// https://www.scirp.org/reference/referencespapers?referenceid=2170568 (Электрон манбага кириш санаси: 11.05.2026).

алгоритмлари орқали ҳал этилади. «Tezkor-chaqiruv-1102» тизимида ушбу фильтрация механизмларининг мавжудлиги ва самарадорлиги ҳали тўлиқ синаб кўрилмаган — бот ҳозирча дастлабки текширув режимида.

Шунингдек, маълумотларни хавфсиз сақлаш ва конфиденциаллик масаласи ҳам эътибор марказида бўлиши лозим. Аноним хабар юборувчиларнинг идентификация қилинмаслиги амалда таъминланиши лозим. Рақамли медиа ва коммуникация соҳасидаги экспертлар Телеграм платформасида маълумот хавфсизлиги чеклаб қўйилган эканлигига эътибор қаратади — хусусан, мета-маълумотлар орқали фойдаланувчи аниқланиши мумкинлиги. Бу масала профилактика тизимининг ишончлилигига таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш лозим[12].

Жамиятни рақамлаштириш шароитида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш объектив зарурат ҳисобланади. Бироқ, маҳаллий даражада рақамли ечимларни (масалан, махсус телеграм-ботларни) татбиқ этишда «рақамли тенгсизлик» (digital divide) омилини инобатга олиш лозим. Маҳалла аҳолисининг барча қатламлари, хусусан, кекса ёшли фуқаролар ва рақамли саводхонлик даражаси паст бўлган ижтимоий гуруҳлар технологик платформалар орқали реал вақт режимида хабар бериш кўникмасига эга эмас. Бу эса аҳолининг муайян қисми тизимдан узилиб қолишига ва улар яшаётган ҳудудлардаги хавф омилларининг латентлик (яширинлик) даражаси ошишига олиб келади. Шу сабабли, инновацион технологик ечимларни анъанавий (институционал) ҳамкорлик механизмлари билан параллел (интеграциялашган) равишда олиб бориш, аҳолининг барча гуруҳларини тўлиқ қамраб олувчи ижтимоий инклюзивлик тамойилини таъминлашни тақозо этади.

Тизимли криминологик профилактика фаолиятининг самарадорлиги тўғридан-тўғри ахборотнинг ўз вақтида алмашиниши, унинг верификация қилиниши ва тўлиқлик даражасига боғлиқ. «Мирзо Улуғбек» маҳалласи мисолида ўтказилган эмпирик тадқиқотлар ҳудудда хавфсизликни таъминловчи субъектлар ўртасида учта асосий ахборот оқими (коммуникация диспозицияси) мавжудлигини кўрсатди:

Вертикал-десцендент оқим сифатида: юқори турувчи ички ишлар органларидан маҳалла тузилмаларига йўналтириладиган расмий профилактика топшириқлари, криминоген вазият таҳлиллари ва директив маълумотлар;

Вертикал-асцендент оқим сифатида: бевосита жойлардаги криминоген ҳолат, шубҳали ва хавф туғдирувчи воқеа-ҳодисалар ҳамда тезкор дислокация объектлари тўғрисида маҳалладан ИИОга узатиладиган тескари ахборот оқими;

Горизонтал-координацион алоқа (маҳалла ички тузилмалари): маҳалла даражасидаги ижрочилар — профилактика инспектори, «маҳалла еттилиги» аъзолари ва жамоатчилик патруль гуруҳлари ўртасидаги идоравий ва тармоқлараро ахборот алмашинуви.

Тадқиқот натижаларининг тизимли таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда мазкур учта коммуникация йўналишининг барчасида деструктив узилишлар (информацион дисфункция) ва тизимсизлик ҳолатлари устуворлик қилмоқда.

Хусусан, биринчи йўналишда узатиладиган маълумотлар аксарият ҳолларда мавҳум, деталлаштирилмаган ва умумий норматив характерга эга бўлиб, муайян маҳалланинг ўзига хос микрокриминологик хусусиятларини ва маҳаллий хавф детерминантларини инобатга олмайди. Иккинчи йўналишда (маҳалладан ИИОга) эса тескари алоқанинг институционал каналлари суст ривожланганлиги сабабли, хабарлар расмий рўйхатга олиш тизимлари орқали эмас, балки субъектларнинг шахсий (неформал) алоқалари воситасида узатилади. Бу эса ахборотнинг тизимли равишда ҳужжатлаштирилмаслигига, таҳлилий

[12] Dunn J. Telegram Privacy Research. — Oxford: Internet Institute, 2023. — P. 12.// https://jdunn.name/papers/ (Электрон манбага кириш санаси: 11.05.2026).

базанинг шаклланмай қолишига ва пировардида қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг илмий ва амалий асоссизлигига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, ички профилактика фаолиятидаги энг заиф ва тизимли трансформацияга муҳтож бўғин — бу горизонтал ахборот алмашинуви соҳаси дейиш мумкин. Маҳалла профилактика инспектори, «маҳалла еттилиги» ва жамоат тузилмалари (патруль гуруҳлари) ўртасида криминоген вазиятни кундалик баҳолаш бўйича мувофиқлаштирувчи мулоқот платформалари ва институционал учрашувлар тизими йўлга қўйилмаган. Бир яхлит рақамли маълумотлар базасининг (интеграциялашган дата-марказнинг) мавжуд эмаслиги сабабли субъектлар ўртасида функцияларнинг такрорланиши ёки айрим хавфли зоналарнинг назоратдан бутунлай четда қолиши кузатилмоқда.

Гарчи ушбу функционал бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган «Tezkor-chaqiruv-1102» боти ва «E-ijtimoiy profilaktika» электрон платформасининг ишлаб чиқилиши соҳани рақамлаштириш йўлидаги муҳим концептуал қадам ҳисобланса-да, уларни амалиётга муваффақиятли интеграция қилиш ва барқарор ишлашини таъминлаш учун ҳалигача ташкилий-ҳуқуқий, институционал ва техник-технологик тайёргарлик механизмлари тўлиқ шакллантирилмаган. Бу эса ушбу дастурий ечимларни жорий этишнинг ташкилий-бошқарув усулларини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Жиноятчиликни олдини олишда жамоат тузилмалари ва полиция ҳамкорлиги моделини ривожлантирган мамлакатлар тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим методологик намуна саналади. Финляндия, Нидерланд ва Японияда жамоатчиликка асосланган профилактика тизимлари полиция ва маҳалла ўртасидаги ишончли ҳамкорлик орқали жиноятчилик даражасини доимий пасайтириб борган. Жумладан, Японияниng «koban» тизими — яъни маҳалла полиция пунктлари — жамоатчилик билан доимий алоқани таъминлаши туфайли жаҳонда энг паст жиноятчилик кўрсаткичларидан бирига ега бўлган Япония тажрибасининг асосида ётади[13].

Ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида татбиқ этишда уч муҳим хулоса чиқариш мумкин: биринчидан, полиция ва аҳоли ўртасидаги ишончнинг шаффофлик ва ҳисобдорлик орқали мустаҳкамланиши; иккинчидан, жамоатчилик тузилмалари (маҳалла, патрул гуруҳлар)нинг чинакам хамкорлиги ва ташаббускорлиги; учинчидан, профилактик фаолиятга ажратилган ресурсларнинг адекватлиги — нафақат молиявий, балки инсон ресурслари ва технологик воситалар жиҳатидан ҳам.

«Мирзо Улуғбек» маҳалласи мисолида ўтказилган эмпирик тадқиқот натижалари ва соҳа мутахассислари (экспертлар) билан ўтказилган интервьюлар ретроспектив ҳамда компаратив таҳлил қилинганда, ички ишлар органлари ва маҳалла тузилмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик ҳамда ҳамкорлик механизмида трансформациялашув жараёнига тўсқинлик қилувчи бир қатор деструктив омиллар ва тизимли камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Тадқиқот давомида ушбу камчиликлар институционал ва функционал хусусиятларига кўра қуйидаги иерархик тизимда таснифланди:

1. Коммуникатив-информацион тизимсизлик омили. Бунда институционал даражада ахборот алмашинуви соҳасида горизонтал (идоралараро) ва вертикал (иерархик) алоқаларнинг тарқоқ хусусиятга эга эканлиги кузатилмоқда. Ушбу салбий ҳолатнинг бош детерминанти — соҳада ягона, интеграциялашган рақамли платформанинг мавжуд эмаслиги ҳамда субъектлараро тезкор ахборот алмашиш маконини тартибга солувчи имплицит (аниқ) меъёрий-ҳуқуқий базанинг заифлигидир. Аниқланган мазкур

[13] Miyazawa S. The Enigma of Japan as a Safe Society // Crime and Justice. — 2008. — Vol. 37. — P. 319.// https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0194659506000451 (Электрон манбага кириш санаси: 12.05.2026).

функционал узилишни бартараф этиш мақсадида, барча манфаатдор давлат ва жамоатчилик тузилмаларини ягона маконда бирлаштирувчи, сунъий интеллект элементларига асосланган идоралараро интеграциялашган рақамли ахборот тизимини лойиҳалаштириш ва амалиётга татбиқ этиш зарур деб ҳисобланади.

2. Касбий компетенция ва квалификацион номувофиқлик омили. Профилактик фаолият субъектларининг сифат таркиби таҳлил қилинганда, кадрларнинг билим савияси билан боғлиқ жиддий камчиликлар юзага чиқмоқда. Хусусан, маҳалла еттилиги ва патрул-коммендатура гуруҳлари аъзоларида девиант (ҳуқуқбузарликка мойил) хулқ-атворни эрта аниқлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишнинг замонавий виктимологик ҳамда криминологик методлари бўйича амалий кўникмалар етарли даражада шаклланмаган. Бу ҳолат тизимли ва узлуксиз касбий тайёргарлик ҳамда қайта тайёрлаш дастурларининг институционаллашмагани оқибати дейиш мумкин. Муаммонинг илмий ечими сифатида, мазкур субъектлар учун мунтазам равишда симулацион тренинглар, кейс-стади (муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) ва мақсадли малака ошириш курсларининг интерфаол моделларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

3. Функционал дифференциациянинг ноаниқлиги. Ваколатлар тақсимоти архитектоникасида маҳалла профилактика инспектори, еттилик таркиби ва патрул гуруҳлари ўртасида функциялар, вазифалар ва юридик мажбуриятларнинг дубликатланиши (бир-бирини такрорлаши) ҳамда диспропорцияси мавжуд. Аниқ функционал тартибнинг (регламентнинг) мавжуд эмаслиги амалиётда жавобгарликдан қочиш ёки ваколат доирасидан чиқиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш учун ҳар бир субъектнинг мақоми, ҳуқуқи ва мажбуриятлари чегарасини аниқ белгиловчи меъёрий асосга эга «Ваколат ва жавобгарлик матрицаси»ни (RACI модели асосида) ишлаб чиқиш ва уни қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш тавсия этилади.

«Мирзо Улуғбек» маҳалласида амалга оширилаётган тажриба Тошкент шаҳрида профилактик фаолиятни янги модел асосида йўлга қўйишнинг илк намунаси сифатида баҳоланмоқда. Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи буйруғи лойиҳасида маҳаллада ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш учун масъуллар ва ижрочилар аниқ белгиланган. Буйруқда масъул раҳбарлар этиб — Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи ўринбосарлари, соҳавий хизматлари раҳбарлари, туман ИИО ФМБ бошлиғи каби масъул рахбарлар белгиланган; ижрочи этиб — маҳалла профилактика инспекторлари; кўмаклашувчилар этиб — маҳалла еттилиги вакиллари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, «Қалқон» ва «Фидокор ёшлар» гуруҳлари тайинланган[14].

Ҳозирги ҳамкорлик моделида бошқарув асосан юқоридан пастга буйруқ бериш тарзида ташкил қилинган. Бу тизимнинг айрим яхши томонлари бор: ким нима учун жавобгар экани аниқ бўлади ва бошқарув тартиби сақланади. Лекин бу усул ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг замонавий ёндашувларига тўлиқ мос келмайди.

Чунки қонун ва бошқа ҳужжатларда маҳалла ва жамоат ташкилотларига асосан «ёрдамчи» вазифа берилган. Яъни улар тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида эмас, балки давлат органлари айтган ишни бажарувчи тузилма сифатида қаралади.

Мутахассислар фикрича, одамларга шундай муносабатда бўлиш профилактика ишларининг самарасини пасайтиради. Бу эса аҳолининг фаоллигини камайтиради, одамларда «бу иш бизга тегишли эмас» деган кайфиятни пайдо қилади.

Аслида эса ҳуқуқбузарликларни эрта олдини олиш учун давлат ва жамият «бошқарувчи ва бажарувчи» шаклида эмас, балки тенг ҳамкор сифатида ишлаши керак. Фуқаролар ўзини фақат топшириқ бажарувчи эмас, балки маҳалла хавфсизлиги учун

[14] «Мирзо Улуғбек» маҳалласида тажриба яратиш тўғрисида Тошкент шаҳар ИИББ буйруқ лойиҳаси, 2024.

масъул инсон деб ҳис қилса, жамоатчилик назорати кучаяди. Шунда муаммоларни эрта аниқлаш, можароларни катта низога ёки судгача етказмасдан ҳал қилиш имконияти ортади[15].

Буйруқ лойиҳасини тасдиқлашдаги кечикишлар — ҳозирча у Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи ўринбосарлари ва соҳавий хизматлар раҳбарлари билан келишилган ҳолда тасдиқлатиш босқичида экани — бюрократик тизимнинг мослашувчанлигига нисбатан муҳим савол туғдиради. Ижтимоий профилактика эса тезкор, оператив бўлгфн ҳолда расмий буйруқ тасдиқланмасдан туриб амалий фаолиятни бошлаш имкони чегараланган.

Хулоса қилиб айтганда, «Мирзо Улуғбек» маҳалласида амалга оширилиши лозим бўлган тажриба бир қатор ижобий инновацияларни ўз ичига олади — аввало, рақамли технологияларни профилактика тизимига интеграция қилиш ва аҳолининг аноним хабар бериши механизмини яратшни алоҳида таъкидлаш зарур, чунки замонавий технологияларнинг жорий этишилиши нафақат жиноятчиликни олдини олиш балки инфратузилманинг ҳам янги босқичга кутарилишига олиб келади. Бироқ ушбу тажрибанинг узоқ муддатли самарадорлиги буйруқ ижросидан эмас, балки аҳолининг чинакам фаоллиги, маҳалла тузилмаларининг мустақиллиги ва профилактик фаолиятнинг тизимли мониторинги орқали таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Худоёр Маматов ва Маҳбуба Хамидова. “Ўзбекистон ҳуқуқий маданият назарияси ва тарихи”. Ўқув қулланма. — Тошкент, 2010. — Б. 34–56.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги ПҚ-1-сонли қарори
4. Kandiyoti D., Azimova N. The Communal and the Sacred: Women's Worlds in Uzbek Mahallas // Journal of the Royal Anthropological Institute. — 2004. — Vol. 10, № 2. — P. 327–349.//https://rai.onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/j.1467-9655.2004.00192.x (Электрон манбага кириш санаси: 10.05.2026).
5. European Institute for Crime Prevention and Control (HEUNI). Community Policing in Europe. — Helsinki, 2019. — P. 34–56// https://www.unodc.org/unodc/en/commissions/CCPCJ/PNI/institutes-HEUNI.html (Электрон манбага кириш санаси: 10.05.2026).
6. Bayley D.H. Police for the Future. — New York: Oxford University Press, 1994. — P. 103.// https://jthomasniu.org/class/Stuff/PDF/police.future.pdf . (Электрон манбага кириш санаси: 11.05.2026).
7. «Мирзо Улуғбек» маҳалласида ўтказилган тадқиқот материаллари, 2024.
8. «Мирзо Улуғбек» МФЙ ижтимоий профилактика объектлари рўйхати. Тадқиқот материаллари.
9. Laycock G., Tilley N. Implementing Crime Prevention // Crime and Justice. — 1995. — Vol. 19. — P. 539// https://www.journals.uchicago.edu/doi/abs/10.1086/449237 (Электрон манбага кириш санаси: 11.05.2026).

[15] Freilich J., Newman G. Crime Prevention. — London: Ashgate, 2010. — P. 67–89.// https://www.jjay.cuny.edu/sites/default/files/2025-11/Freilich-CV.pdf. (Электрон манбага кириш санаси: 12.05.2026).

10. Sherman L.W. Evidence-Based Policing. — Washington: Police Foundation, 1998. — P. 45. https://www.policinginstitute.org/publication/evidence-based-policing/ (Электрон манбага кириш санаси: 11.05.2026).
11. Skogan W.G. Community Participation and Community Policing // Criminal Justice. — 1996. — P. 88// https://www.scirp.org/reference/referencespapers?referenceid=2170568 (Электрон манбага кириш санаси: 11.05.2026).
12. Dunn J. Telegram Privacy Research. — Oxford: Internet Institute, 2023. — P. 12.// https://jdunn.name/papers/ (Электрон манбага кириш санаси: 11.05.2026).
13. Miyazawa S. The Enigma of Japan as a Safe Society // Crime and Justice. — 2008. — Vol. 37. — P. 319.// https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0194659506000451 (Электрон манбага кириш санаси: 12.05.2026).
14. «Мирзо Улуғбек» маҳалласида тажриба яратиш тўғрисида Тошкент шаҳар ИИББ буйруқ лойиҳаси, 2024.
15. Freilich J., Newman G. Crime Prevention. — London: Ashgate, 2010. — P. 67–89.// https://www.jjay.cuny.edu/sites/default/files/2025-11/Freilich-CV.pdf. (Электрон манбага кириш санаси: 12.05.2026).